# МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

{2022} й. «{13}» {12} {1}-сон __Фаргона, ш.

Кейинги ўринларда "Товар етказиб берувчи-сотувчи" деб аталадиган **"ILMIDDIN GROUP"МЧЖ**рахбариФайзуллаев Аоркали бир томондан, кейинги ўринларда "Буюртмачи" **Олтиарик туман тиббиёт бирлашмаси бошлиги**__**Ш.Бузруков**__ иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузидлар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Шартномада товар деб номланувчи "Илмиддин гроуп" **"МЧЖ**томонидан ишлаб чикарилган куйидаги шартноманинг 1.2 бандидаги ассортимент ва бахо(спесификатция)даги товарлар шартноманинг предмети хисобланади.

| №№ | Наименование товаров и услуг. | ЕдИзм | Колво. | Реализация | Стоимость товаров Без НДС. |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Котел 30кв | шт | 4 | 9970000 | 39880000 |
| | **Жами** | | | | **39880000** |

1.3. Шартнома 1 (бир) йил муддатга тузилган.
1.4. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, уларнинг ҳар бири бир хил кучга эга.
1.5. Шартноманинг умумий суммаси **Уттиз туккиз миллион саккиз юз саксон минг сўмни**ташкил этади.

**2. Бахо ва тўлаш тартиби**

2.1. Махсулот учун тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
2.2. «Буюртмачи» шартнома умумий сумманинг 30% ни аванс тарикасида шартнома тўлик кучга кирган кундан бошлаб **15** банк иш куни мобайнида, колган қисми яъни 70% ни "Махсулот етказиб берувчи"махсулотни етказиб берган кунидан бошлаб 15 банк иш куни давомида «Махсулот етказиб берувчи» нинг банк хисоб ракамига ўтказиб бериши шарт.
2.3. Махсулот хисоб варок фактурага имзо қўйиб «Буюртмачи» томонидан кабул килиб олган вактдан бошлаб «Буюртмачи» мулкига айланади.

**3. Товарларни етказиб бериш тартиби**

3.1. Шартнома бўйича товарларни етказиб бериш товарларни сотиб олувчига жўнатиш йўли билан жўнатиш разнарядкаси оркали амалга оширилади.

3.2. Жўнатиш разнарядкасининг жадвали шартномага илова килинади.

3.3. Товарлар фақат **"ILMIDDIN GROUP"МЧЖ**гақарашли автомашинада етказилиши керак.

3.4. Товар етказиб беришнинг айрим даврида уни тўлик етказиб бермаган товар етказиб берувчи-сотувчи етказиб берилмаган товарлар миқдорини шартнома амал қилиш муддати доирасидаги кейинги даврда ёки даврларда тўлдириши лозим.

3.5. Сотиб олувчи етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган товарларни қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

3.6. Сотиб олувчи шартномага мувофик етказиб берилган товарларнинг қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

Сотиб олувчи сотиб олган товарларни товарлар етказиб берилганидан кейин дарҳол кўздан кечириши, агарда етказиб бериш билан боғлиқ камчиликлар аникланган тақдирда, товар етказиб берувчи-сотувчини зудлик билан ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

**4 Шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

4.1. *Сотувчининг ҳуқуқлари:*
- сотилган товар ҳақини тўлашни;
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олишни;
- шартнома шартларига тўлик риоя этишни;
- сотиб олувчи томонидан ўзига етказилган зарарларнинг копланишини талаб қилиш.

Сотиб олувчи конун хужжатларида белгиланган асосларсиз маҳсулот етказиб берувчи-сотувчидан товарни қабул қилиб олмаган ёки товарни рад этган ҳолларда маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи сотиб олувчидан товар ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

4.2. *Сотувчининг мажбуриятлари:*
- товарни сотиб олувчига мулк қилиб топшириш;
- шартномада назарда тутилган товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топшириш;
- учинчи шахсларнинг ҳар кандай хукукларидан холи бўлган товарни топшириш;
- шартномада назарда тутилган товарни сотиб олувчига идишда ёки ўралган ҳолда топшириш;
- товарни сотиб олувчига топширгунга қадар сақлаш.

4.3. *Сотиб олувчининг ҳуқуқлари:*
- сотиб олаётган товарни ўзига мулк қилиб топширишни;
- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топширишни;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топширишни;
- учинчи шахсларнинг хукукларидан холи бўлган товарни топширишни талаб қилиш.

4.4. *Сотиб олувчининг мажбуриятлари:*

- сотиб олган товар ҳақини ўз вақтида тўлаш;
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олиш;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш;
- сотувчига етказилган зарарни қоплаш.

Сотиб олувчи шартноманинг товарлар миқдори, сифати, идиши ва ўралиши тўғрисидаги шартлари бузилганлиги ҳақида сотувчига ўн кун муддат ичида маълум қилиши шарт.

## 5. Шартнома бўйича жавобгарлик

5.1. Агар сотиб олувчига унинг талабига кўра сотиш жойида дарҳол товар тўғрисидаги ахборотни олиш имкони берилмаган ёхуд унинг товарни кўздан кечириш, товарнинг хоссаларини текшириш ёки товардан фойдаланишни кўрсатишни талаб қилиш ҳуқуқи таъминланмаган бўлса,
у чакана олди-сотди шартномасини тузишдан асоссиз бош тортилгани туфайли ўзи кўрган зарарни тўлашни сотувчидан талаб қилишга, агар шартнома тузилган бўлса, оқилона муддатда шартномани бажаришдан бош тортишга, товар учун тўланган суммани қайтаришни ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Сотиб олувчига товар тўғрисида тегишли ахборот олиш имконини бермаган сотувчи товар сотиб олувчига топширилганидан сўнг товарда пайдо бўлган камчиликлар учун ҳам, агар сотиб олувчи бу камчиликлар ўзида бундай ахборот бўлмагани сабабли пайдо бўлганини исботласа, жавобгар бўлади.

5.2. Агарда товар сотиб олувчига идишсиз ва ўрамаган ҳолда ёки тегишли идишга жойламаган ва тегишли даражада ўрамаган ҳолда топширилган тақдирда, сотиб олувчи сотувчидан товарни идишга жойлаштириш ва ўрашни ёхуд тегишли бўлмаган идиш ва ўрашни алмаштиришни талаб қилиш ёки бу талабларни қўйиш ўрнига ушбу шартноманинг 4.3-банди биринчи қисмидаги талабларни қўйишга ҳақли.

5.3. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик Кодексининг 434-моддасига кўра сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, сотиб олувчи ўз хоҳишига кўра:

худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

харид нархини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини;

харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни;

кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Товар учун тўланган пул суммасини сотиб олувчига қайтариш вақтда сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пасайган бўлса, шунча суммани ушлаб қолишга ҳақли эмас.

5.4. Сотувчи шартнома бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда, зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш сотувчини мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

5.5. Агарда сотиб олувчи шартноманинг товарлар миқдори, сифати, идиши ва ўралиши тўғрисидаги шартлари бузилганлиги ҳақида сотувчига
ўн кун муддат ичида маълум қилмаса, сотувчи шартлар бузилганлиги натижасида келиб чиқадиган оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

5.6. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.7. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи(пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.8 Шартномани бажаришдан бир томонлама (тўликм ёки қисман) бош тортишга тарафлардан бири шартномани жиддий бузган тақдирда йўл қўйилади.

Шартномани бузиш қуйидаги ҳолларда жиддий деб топилади:

- тегишли даражада сифатли бўлмаган, сотиб олувчи учун мақбул муддатда бартараф қилиб бўлмайдиган камчиликларга эга бўлган товарларни етказиб бериш;
- товарларни етказиб бериш муддатларини бир неча бор бузиш.

5.9. Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасини бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг бошқа муддати билдириш хатида назарда тутилмаган бўлса, шартнома бир тараф бошқа тарафдан шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бир тарафлама бош тортиш тўғрисида билдириш хати олган пайтдан бошлаб ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

## 6. Коррупсияга қарши қўшимча шартлар

6.1. Тарафлар шартномадаги коррупсияга карши қўшимча шартларда белгиланган коррупсиянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

6.2. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

6.3. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, суд иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг эгаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол- мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупсияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундан, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

6.4. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализасия қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт;

-коррупсиявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупсиявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан коррупсиявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

-уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

-уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

6.5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупсияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

6.6. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупсияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

**7. Форс-мажор ҳолатлар**

7.1. Маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи форс-мажор ҳолатлар (мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун тўсқинлик қилувчи енгиб бўлмас куч таъсири: товар етказилаётган пайтда содир бўлган тасодифий шикастланиш, сотиб олувчи эгалигида сув тегиши натижасида товарнинг ёмон ҳолатга келиши ва бошқа ҳолатлар) натижасида юзага келадиган оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

**8. Низоларни ҳал этиш тартиби**

8.1. Низоли вазиятлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади.

8.2. Низоли вазиятлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилмаган тақдирда "Буюртмачи" ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий судлари орқали ҳал этилади

**9. Шартноманинг амал қилиш муддати**

9.1. Шартнома 31.12.2022-йилгача ҳақиқий деб ҳисобланади.

**10. Тарафларнинг реквизитлари**

Маҳсулот етказибберувчи-сотувчи
"ILMIDDIN GROUP"МЧЖ
Ҳисоб-китоб рақами
__20208000105568795001___
__Агробанк Куштепа филиали
______________________________
бўлимида, банк коди
__00515___
СТИР__309866244__, телефон__+998907771170__
Фаизуллаев А.
(ваколатли шахс Ф.И.Ш. ва имзоси)

Сотиб олувчи:
__Олтиарик ТТБ___
Узбекистон №3
Ҳисоб-китоб рақами
__100022860302037072301054001
_Марказий бакн тошкент_
"______________" банкнинг
91511___
бўлимида, банк коди
00014___
СТИР__200174744__, телефон_73-432-17-46_
____________________Ш.Ю.Бузруков
(ваколатли шахс Ф.И.Ш. ва имзоси)

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 200334 на приобретение Котел сотиб олиш

Способ проведения электронный

Дата 07.12.2022

Время рассмотрения 07.12.2022 09:49

Закупочная комиссия Тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | BUZRUKOV SHUXRATBEK YUSUPOVICH | Бош шифокор | 0 |
| **Секретарь комиссии** | TURG'UNOV ABDUMO'MIN RAVSHAN O'G'LI | секретар абдимумин | тиббиёт |
| **Член комиссии** | UBAYDULLAYEV BEKMUROD MUBORAKOVICH | бош хисобчи | 0 |
| **Член комиссии** | UMARALIYEV QODIRJON RAXMATALI O'G'LI | инжинер | тиббиёт |
| **Член комиссии** | NISHONOV ZINOBIDIN NURMAMATOVICH | хиссобчи | тиббиёт |
| **Член комиссии** | YURSINALIYEV RUSTAMBEK GOPURJON O'G'LI | хўжалик ишлари бўйича ўринбосар | 0 |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.12.2022 года № лота 200334.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 1

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Котел отопления** |
|---|---|
| Подробное описание | Котел отопительный. 1.Материал корпуса: Сталь, 3мм тольщина. 2.Материал обшивки: Сталь, 0,7мм толщина. 3. Размеры: Высота 110см, ширина 53см, глубина 53см. 4. Изоляция: Стекловата и 0,7мм сталь. Мощность: 30 КВт. 5. КПД:91% 6. Отапливаемая площадь: 250-300кв/м 7. Теплоноситель — 61л Демонтаж и монтаж котла. Испытание и техническое обслуживание в течении 1 года. |
| Количество товара | 4.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 10 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 40 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Аввал бажарилган ишлар хакида маълумотлар.

Тип: Бинарное значение

Описание: Аввал бажарилган ишлар хакида маълумотлар.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО LEADER HORSE | 10 | 1 | 6 | Экспертная | | |
| ILMIDDIN GROUP MCHJ | 10 | 1 | 9 | Экспертная | | |

Критерий №2 Етказиб бериш ва сифат кафолати хакида кафолат хати.

Тип: Бинарное значение

Описание: Етказиб бериш ва сифат кафолати хакида кафолат хати.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО LEADER HORSE | 10 | 1 | 7 | Экспертная | | |
| ILMIDDIN GROUP MCHJ | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Етказиб бервчининг сертификати(мавжуд булса).

Тип: Бинарное значение

Описание: Етказиб бервчининг сертификати(мавжуд булса).

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО LEADER HORSE | 10 | 1 | 1 | Экспертная | | |
| ILMIDDIN GROUP MCHJ | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 Махсулот етказиб берувчининг омборида мавжудлиги.

Тип: Бинарное значение

Описание: Махсулот етказиб берувчининг омборида мавжудлиги ва техник шартларга мос келиши хакида кафолат хати ва расмлар илова килинади.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО LEADER HORSE | 10 | 1 | 7 | Экспертная | | |
| ILMIDDIN GROUP MCHJ | 10 | 1 | 9 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|

| | | | (UZS) | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO LEADER HORSE** | 40 000 000.00 | 39 800 000.00 UZS | 39 800 000.00 | 00.00 | 39 800 000.00 | 01.12.2022 09:48:13 | 10 |
| **ILMIDDIN GROUP MCHJ** | 40 000 000.00 | 39 880 000.00 UZS | 39 880 000.00 | 00.00 | 39 880 000.00 | 06.12.2022 10:13:31 | 9.97994 |

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **OOO LEADER HORSE** | 47.25 | 10 | 57.25 |
| **ILMIDDIN GROUP MCHJ** | 85.5 | 9.97994 | 95.47994 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 200334 от 07.12.2022 года на приобретение Котел сотиб олиш определила победителем:

ILMIDDIN GROUP MCHJ
309866244

и резервный исполнитель: OOO LEADER HORSE (302820537)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | BUZRUKOV SHUXRATBEK YUSUPOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | UBAYDULLAYEV BEKMUROD MUBORAKOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | UMARALIYEV QODIRJON RAXMATALI O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | NISHONOV ZINOBIDIN NURMAMATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | YURSINALIYEV RUSTAMBEK GOPURJON O‘G‘LI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

# 200334 лот юзасидан шаклланган дастлабки баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон баённомаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб далат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана: 12.12.2022 10:10

Комиссия раиси: Ш.Ю.Бузруков

Комиссия аъзолари: М.Б.Убайдуллаев

Р.Юрсуналиев

Қ.Умаралиев

З.Нишонов

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

FQ 4186582058

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **ILMIDDIN GPOUP MCHJ bilan mahsulot etkazib berish haqida**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Oltiariq tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 14.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Oltiariq tumani yuridik markazi bosh yuristkonsulti:**

**O.X.ISHMATOV**

14.12.2022